

5-27-2019

SCIENCE IN THE HADITHSS: HISTORY AND TIMES

Sultanova Gulnoza
g.sultanova@mail.ru

Follow this and additional works at: https://uzjournals.edu.uz/or_stud



Part of the [History Commons](#)

Recommended Citation

Gulnoza, Sultanova (2019) "SCIENCE IN THE HADITHSS: HISTORY AND TIMES," *Oriental studies*: Vol. 1 : Iss. 2 , Article 12.
Available at: https://uzjournals.edu.uz/or_stud/vol1/iss2/12

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in *Oriental studies* by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.



ШАРҚ ҲАЛСАҲАСИ

ҲАДИСЛАРДА ИЛМИЙ ТАФАККУР: ТАРИХ ВА ЗАМОН

СУЛТАНОВА ГУЛНОЗА

PhD, СамДУ

Аннотация. Ушбу мақолада Муслмон Шарқидаги илмий тараққиёт, унинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси, халқимиз бой маънавий мероси бўлмиш ислом фалсафаси ва ҳадислардаги илмий тафаккур тарзининг ижтимоийлашуви баён этилган. Айниқса, Ал-Бухорий ҳадисларида илмий тафаккур тарзининг намоён бўлиши, илм олишга чорлаш, илмнинг мукофоти ва олимликнинг даражалари хусусида фалсафий мулоҳаза юритилган. Хусусан, “Илм ибодатдан афзал”, “Илм олиш ҳар бир мўмин ва муслима учун фарздир” деган ҳадислар ислом оламида илмий тафаккур тарзининг юксалишидан дарак беради. Имом Бухорий нафақат ҳадисишунос, балки буюк аллома сифатида ҳам инсон борлиги ва руҳий-маънавий оламига оид қимматли фикрларни билдирган. Ўзи ҳам ҳаёти жараёнида ўзини тарбиялаб, ўзини англаб ва ўзини ҳурмат қилиб яшаб, яхши инсон сифатида ном қолдиргани уни илмий тафаккур тарзи юксалган, комил шахс сифатида тадқиқ этиши имконини беради. Шунингдек, Имом Бухорийдан илмни ҳурматлаш, эъзозлаш, унинг қадрини кўтариш бўйича ўз ҳаётидан ибрат олиш мумкин. Қолаверса, “илм бормаиди, илмга келинади” ибораси моҳиятида инсоннинг ўз-ўзини билиши ва оламни англашидан, илмий тафаккур тарзининг намоён бўлишидан далolat беради. Демак, ислом фалсафаси ва ҳадисларда илм-фаннинг ижтимоий аҳамиятига объектга баҳо берилган.

Ҳадис ислом фалсафасининг манتيқий давоми сифатида ўзининг моҳиятига кўра, инсонни ахлоқий етукликка, маънавий баркамолликка, руҳий ва жисмоний покликка чорловчи инсоний фазилатларни шакллантиради, глобаллашув жараёнида мафкуравий иммунитетни ҳосил қилишга ёрдам беради. Ҳадисларнинг “ахлоқий кодекс” сифатида комил инсонни тарбиялашда, диний ақидапарастлик, жоҳиллик ва оммавий маданиятга қарши курашда муқаддас ислом динимиз, ҳамда ҳадислардаги илмга чорловчи гоёлар муҳим маънавий қурол эканлиги алоҳида таъкидланади.

Таянч сўз ва иборалар: мустақиллик, тафаккур тарзи, илмий тафаккур тарзи, ворислик, объективлик, рефлексияли таҳлил, олимлик, ҳадис, илм.

Аннотация. Эта статья описывает научный прогресс мусульманского Востока, его вклад в мировую цивилизацию, философию исламской философии, богатое духовное наследие нашего народа и социализацию научного мышления в хадисах. Особенно в традициях аль-Бухари упоминаются философские размышления о пути научного мышления, призыв к знаниям, награда за науку и уровень науки. В частности, хадисы говорили: «Поклонение лучше, чем поклонение», «Знание является верным для каждого верующего и мусульманина», предполагает рост научной мысли в исламском мире. Имам Бухари не только как эксперт по хадисам, но и как великий ученый, дал ценную информацию о людях и духовно-нравственном мире. Он хороший человек, обучающий себя в процессе жизни, узнающий себя и уважающий себя, позволяющий ему исследовать себя как возвышенного, совершенного человека. Также имама аль-Бухари можно считать уроком в отношении уважения к науке, уважения и уважения. Это демонстрация уважения к себе и науке и уважения к науке. Более того, выражение «наука не идет, а к ней надо идти» относится к сущности самопознания человека и вселенной, пути научной мысли. Таким образом, исламская философия и хадисы дают объективную оценку социальной значимости науки. Как логическое продолжение исламской философии, хадис утверждает, что формирование человеческих качеств, которые по сути создают моральные качества, нравственное совершенствование, духовное и физическое очищение, создает идеологический иммунитет в процессе глобализации. Особенно важно подчеркнуть, что священная исламская религия как «моральный кодекс» хадисов является жизненно важным духовным оружием в борьбе против религиозной пропаганды, невежества и массовой культуры.



Опорные слова и выражения: независимость, стиль мышления, наследование, научный стиль мышления, объективность, рефлексивный анализ, наука, хадис, знание.

Abstract. This article describes the scientific progress of the Muslim East, its contribution to world civilization, the philosophy of Islamic philosophy, the rich spiritual heritage of our people and the socialization of scientific thinking in Hadith. Especially in the traditions of al-Bukhari, philosophical reflections on the way of scientific thinking, a call for knowledge, a reward for science and a level of science are mentioned. In particular, the Hadiths said: "Worship is better than worship", "Knowledge is true for every believer and Muslim" in the Islamic world. Imam Bukhari, not only as an expert on Hadith, but also as a great scholar, gave valuable information about people and the spiritual and moral world. He is a good person, educating himself in the process of life, recognizing himself and respecting himself, allowing him to explore himself as an exalted, perfect person. Imam al-Bukhari can also be considered a lesson regarding respect for science, respect and esteem. This is a demonstration of self-respect and science and respect for science. Moreover, the expression "science does not go to science" refers to the essence of the self-knowledge of man and the universe, the path of scientific thought. Thus, Islamic philosophy and Hadith provide an objective assessment of the social significance of science. As a logical continuation of Islamic philosophy, Hadith argues that the formation of human qualities, which essentially create moral qualities, moral perfection, spiritual and physical purification, creates ideological immunity in the process of globalization. It is especially important to emphasize that the holy Islamic religion as a "moral code" of the Hadith is a vital spiritual weapon in the fight against religious propaganda, ignorance and popular culture.

Keywords and expressions: independence, style of thinking, inheritance, scientific style of thinking, objectivity, reflective analysis, science, hadith, knowledge.

Хар қандай маърифий жамиятнинг таракқиётида маънавий комил инсонларнинг ўрни ва роли бекиёс бўлиб, бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Мана шу тамойилларга амал қилган ота-боболаримиз, буюк аждодларимиз юксак фазилатларга эга комил инсонни тарбиялашда дин, хусусан, ислом дини, унинг мақаддас манбалари Қуръони карим ва Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадисларидан кенг кўламда фойдаланганлар. Минг йиллар оша халқимизнинг мустаҳкам эътиқоди бўлган ислом динининг инсонпарварлик мазмун-моҳияти, унинг ҳаётбахш ғоялари кенг халқ оммаси, айниқса, ёшларнинг ҳаёт ва тафаккур тарзида етакчи ўрин эгаллаганлигига тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бу ишларнинг муҳим жиҳати шундаки, ушбу мўътабар манбаларда келтирилган ҳикматлардан воқиф бўлган ҳар бир киши қалбига кучли маънавий-руҳий озуқа беради, уларнинг онги ва тафаккурига ижобий таъсир кўрсатади. Шундай экан, глобаллашув замонининг зарарли ғоялари, хусусан, ахлоқсизликни тарғиб қиладиган хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида бу йўналишдаги ишлар-

нинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда¹.

Фалсафа ва фанда илмий тафаккур тарзининг янгиланиши нафақат умумий маънавий муҳитнинг, балки ҳар бир жамият аъзосининг ижтимоий қиёфаси, руҳий дунёси, мақсад ва эҳтиёжларининг ўзгариши ҳамдир. Шу ўринда, илмий дунёқараш ва тафаккур тарзини шакллантириш миллий фалсафамизнинг асосий вазифаси бўлиб, унда ғоявий ворислик ва инновация жараёнлари диалектикасини кўришимиз мумкин.

Шу туфайли мустақилликка эришганимиздан сўнг ғоявий ворислик нуқтаи назаридан тарихий меросимиз дурдоналари бўлган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотурудий, Бурҳониддин Марғиноний, Абдуҳолик Ғиждувоний, Баҳовуддин Нақшбанд сингари азиз-авлиёларимиз, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Мирзо Улуғбек сингари алломаларимиз, Амир Темур, Жалололдин Ман-

¹ Yoldosh Eshbek. Hadisi qudsiylar (The reliable hadiths) Tashkent, "Sano-standart" Publ. 2018. P. 3-4.



губерди каби буюк арбобларимиз, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби мумтоз шоир ва мутафаккирларимизнинг номлари ва асарларини қайтадан кашф этдик¹. Шарқ мамлакатларидаги ўзига хос Уйғониш (ренессанс) даври Марказий Осиё халқлари тарихида маданий-маънавий юксалиш, тафаккур тарзидаги янгилини билан белгиланиши бежиз эмас. Зеро, инсоният тафаккури ривожланишида буюк аждодларимизнинг фалсафий-илмий ғояларининг ҳиссаси катта бўлган.

Мусулмон Шарқида Ренессанснинг биринчи тўлкини вужудга келиши шароитида Марказий Осиё мутафаккирлари шакллантирган таълимотларда илмий тафаккур тарзининг ажойиб намуналари ишлаб чиқилган. Бу таълимотларни янгича инновацион ёндашув асосида ўрганиш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Бу борада Биринчи Президентимиз Ислом Каримов шундай деганлар: “Ислом динимизнинг муқаддас мероси фалсафа илмини, хусусан, Шарқ фалсафасини теран ўрганиш, шу асосда улуғ маданиятимиз ва қадриятларимиз илдишларини жонлантириш, яқин ўтмишдан қолган мафкурадан халос бўлиш, ўзимизнинг асрлар синовидан ўтган, улуғ аждодларимиз бизга қолдирган миллий мафкура ва тафаккуримизни тиклаш, уни замонавий умумбашарий руҳ билан бойитиш ҳаммамизнинг долзарб вазифамиздир”².

Ҳозирги пайтда миллий фалсафамизнинг шаклланиши ва ривожланишида катта ижодий имкониятлар ва тараққиёт истиқболи вужудга келди. Хусусан, янги илмий ва фалсафий, тарихий тафаккур тарзини шакллантириш, бетакрор маънавий қадриятларимиз ва замонавий фан ютуқлари муштараклигига эришиш, энг янги илмий ва фалсафий йўналишларни ривожлантириш, уларга метафалсафий талқин бериш фалса-

фамиз олдида турган долзарб вазифалар қаторига киради.

Ўзбекистонда фан ва маданият тараққиётига катта эътибор берилмоқда. Бу нарса давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бу сиёсатнинг мазмуни шундан иборатки, илмий тадқиқот соҳасида халқаро миқёсда мавжуд бўлган меҳнат тақсимоти ҳисобга олинган ҳолда, устувор фундаментал илмий йўналишларни ҳар томонлама ривожлантиришдир.

Ҳозирги замон цивилизацияси фан-техника тараққиётисиз ривожланмайди. Бизнинг диёримизда буюк олимлар ва алломалар етишиб чиққан. Демак, биз анъанавий илмий меросга, мактабларга эгамиз. Ҳозирги пайтда шу анъанани ривожлантириш учун ҳар томонлама шароит яратилмоқда. Илм-фанни эъзозлаш, унинг аҳамиятини тушуниш ҳам халқимизга хосдир.

Шу ўринда, Президентимиз Ш. Мирзиёевнинг “Ҳаётнинг ўзи ва халқнинг талаблари бизга амалий ечимини топиш лозим бўлган янги ва янада мураккаб вазифаларни кўймоқда”³ деган сўзлари муҳимдир. Бундай шароитда ислом фалсафасини ҳар томонлама тадқиқ қилиш соҳасида танқидий рефлексиянинг роли ва аҳамияти ошиб боради. Ислом оламида ҳадисшунослик илмининг ривожланиши кўпгина дунёвий ва диний масалаларга холисона жавоб беришни тақазо этди.

Ҳадислар маънавиятимизнинг бебаҳо дурдоналаридир. Уларнинг тарбиявий аҳамияти келажак авлод учун беқиёс. Хусусан, юртдошимиз Ал-Бухорий ҳадисларининг илм-фан тараққиётига, илмий дунёқараш ва тафаккур тарзининг юксалишига кўшган хизмати катта.

Хусусан, “Илм ибодатдан афзал”, “Бу дунёни ўйласанг, тижорат қил, у дунёни ўйласанг, ибодат қил, икки дунёни ўйласанг,

¹ Karimov I.A. Eng asosiy mezon –hayot haqiqatini aks ettirish (The main criterion is to reflect the reality of life) Tashkent, “Uzbekistan” Publ. 2009. –P. 16.

² Karimov I.A. Istiqlol va ma'naviyat (Independence and spirituality) Tashkent, “Uzbekistan” Publ. 1994. –P. 58.

³ Mirziyoyev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak (Critical analysis, strict discipline and personal responsibility should become the daily norm in the activities of each leader) Tashkent, “Uzbekistan” Publ. 2017. –P. 10.



илм билан шуғуллан”, “Илм олиш ҳар бир мўмин ва муслима учун фарздир” деган ҳадислар ислом оламида илмий тафаккур тарзининг юксалишидан дарак беради.

Хўш илмий тафаккур тарзи нима? У қандай кўринишларда намоён бўлади?

Илмий тафаккур тарзи ривожланаётган интеллектуал феномен сифатида вужудга келиш, шаклланиш ва ўзгариш босқичларини босиб ўтади. Бу борада, у тадрижий ва инқилобий янгиланиш жараёнларини бошидан кечиради. Тафаккур тарзи учун замин бўлган илмий билиш оламдаги нарсаларнинг хоссалари, ҳаракат ва мавжудлик қонуниятларнинг моҳиятини тафаккурда тушунчалар, назариялар ва таълимотлар ишлаб чиқиш йўли билан инъикос эттириш, тушунтиришдан иборатдир.

Тафаккур тарзида ўзининг ғоявий-концептуал ўрнига эга бўлган тарихийлик тамойили, интенцияси изланиш объектларига нисбатан умумий йўналиш, умумий тасаввур беради. Тафаккур тарзи сифатида тарихийлик олимга уфқ, муҳит яратади. Объектнинг кечаги куни, бугуни ва эртаси борлигини кўзда тутишни ҳисобга олдирди.

У ёки бу тафаккур тарзига хос бўлган хусусият, дастлаб, илмий ва фалсафий тадқиқот соҳаларининг айрим йўналишлари доирасида вужудга келади, кейинчалик эса, назарий фаолиятнинг бошқа соҳаларига ўтади. Бунга диний, фалсафий, илмий, экологик тафаккур тарзларининг шаклланиши, замон руҳиятининг, шу жумладан, назарий тафаккурнинг етакчи сиймосига айланиши мисол бўла олади.

Тафаккурнинг қотиб қотилиши эса, тафаккур инерциясига олиб келади. Тафаккурдаги инертлик интеллектуал ҳаракатсизлик, мавжуд қарашларни ўзгартиришга тайёр эмасликни билдиради. Бу хилдаги инертлик ақидапарастликнинг манбаидир, шунга олиб келадиган имконият ва мойилликдир.

Н. Шермухаммедованинг фикрича, тафаккур инерцияси олимларни ақидапарастлик, схоластик ва консерватив тафаккурга

олиб келади¹. Тафаккур инерциясига қарши инновацион тафаккур – бу тафаккур тарзида янгиланиш ва ўзгаришга олиб келадиган жараёндир.

Ижтимоий, маънавий ва фалсафий муаммоларни рефлексияли ёндашув воситаси билан таҳлил этиш кишилар онгига сингиб кетган ақидапарастлик хислатларни очиб бериш имкониятини беради. Демак, маънавий меросимиз ва ислом динининг фалсафий моҳиятини тўғри англаб етишда танқидий рефлексия ҳамда илмий тафаккур тарзининг роли каттадир.

Афсуски, янги минг йилликда – биздан комилликни, инсон сифатида етукликни талаб қилаётган бир вақтда ақидапарастлик ва ҳайвоний ҳавас-нафсларга берилиш нафақат хато, балки келажак учун хиёнатдир. Шу нуқтаи назардан, инсон комиллиги, ахлоқий баркамоллигига хизмат қилиб келадиган Қуръон оятларини кўр-кўрона ёки ўзга манфаатлар йўлида таҳлил ёки фатволар қилиш тор тафаккурдан, вайронкор ғоялардан далолат беради. Ваҳоланки, ислом динида эзгулик ва яхшиликлар асосий омил эканлигини тарих кўрсатиб бермоқда. Диний ақидапарастлик дунёвий ақидапарастликдан фарқланади. Ақидапарастликнинг хусусиятлари авторитетларга кўр-кўрона ишониш, эскирган фикрларга таяниб, ишониб юриш, ҳамиша бир зайлда турадиган қоида ва тамойилларга қараб иш юритишдан иборатдир. Бундай фикрлаш ва фаолият тарзи илмий фикр ривожига, ижодга тўсқинлик қилади. Бу ҳол тафаккур тарзини интеллектуал стереотипга, ақидапарастлик иллатига чалинган тафаккур тарзининг ҳосил бўлишига олиб келади. Тафаккур инерцияси догматизмга олиб келади. Dogmatizm (юнонча догма – рад қилиб бўлмайдиган, шубҳага ўрин қолдирмайдиган, ўзгармас мазмунга эга бўлган таълимот, ақида) – ақидапарастлик бўлиб, у фан ва амалиётнинг янги маълумотларини, ўрни ва

¹ Shermuxammedova N. Stil nauchnogo mishleniya (Style of scientific thinking) Tashkent, 2006. – P. 106.



конкрет шароитларни ҳисобга олмасдан, мазмунан “қотиб” қолган, эскирган тушунчалар ва қоидаларга таяниб, ҳодисаларга баҳо бериш, тасаввурга эга бўлиш ва шу асосда у ёки бу фаолиятни амалга ошириш усулидир.

Айнан ислом дини ва ҳадислардаги илм-фанни тарғиб қилувчи ғоялар нафақат ўрта асрлар учун, балки ҳозирги замонда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган маърифатпарварлик тарғиботидир.

Догматик тарзда фикрлашнинг роли ва таъсири, айниқса, бир ижтимоий тузумдан иккинчисига ўтиш, кескин ўзгаришлар даврида яққол намоён бўлади. Бу ҳол айрим ижтимоий гуруҳларда мавжуд бўлган иқтисодий, маънавий ва мафкуравий мавқеларнинг қўлдан кетишидан, онга сингиб кетган, лекин ўзгарган шароитни, аҳволни тўғри инъикос этмай, қолган тасаввурларни янги мазмундаги тушунчалар билан алмаштиришга ожизлик қилишдан келиб чиқади¹. Ҳақиқий исломий ғоялар ва сохта диний экстремистик оқимларнинг фарқини таҳлил қилишда ҳам илмга чорловчи ҳадислар маънавий-тарбиявий қурол вазифасини бажаради. Бунда эса кишилар онгида ислом дини ва ҳадисларнинг аҳамиятини илмий асосда тушунтириб бериш, уларни инновацион жараёнларга тайёрлаш давр талабидир.

Дарҳақиқат, ислом дини покликка чорлаши, эзгуликка даъват этиши, маънавиятни юксалтириши, руҳий камолотга хизмат қилиши билан унинг фалсафасини ўрганиш аҳамиятлидир.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов алоҳида таъкидлаб ўтганларидек, “Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб ...биз кўзлаган олий мақсад – озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди”². Бунинг учун “одамларнинг қотиб қолган фикрлаш тарзини ўзгартариш, эскича усулдан ҳоли қилиш ғоят

муҳимдир”³. Демак, мустақилликнинг дастлабки йиллариданок, ақидапарастлик ва догматизмга қарши кураш бошланган экан. Биринчи Президентимиз бошлаган оқилона сиёсат фалсафасини Президентимиз Ш. Мирзиёев ҳам ғоявий ворислик ва инновация муаммоларидан келиб чиқиб, холисона давом эттирмоқдалар. Хусусан, шарқона демократияни ва тафаккур тарзини ўзида ифодалаган “халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак”⁴ деган даъватлари замиридаги янгича фикрлаш ҳақиқий демократик тамойилларга таянишга олиб келади.

Мусулмон оламида ренессанс даврининг вужудга келишида айнан ҳадислардаги илм олишга даъват, илмнинг савоби, олимларнинг юқори даражаси хусусида ғоялар маънавий-ижтимоий замин бўлиб хизмат қилди.

Ислом маданияти равнақи ва илмий тафаккур тарзи тараққиётга улкан ҳисса қўшган ватандошларимиз Имом ал-Бухорий (810–870), Имом Мотурудий (870–944), Ҳаким ат-Термизий (820–932), Бурҳониддин Марғиноний (1117–1137), Абдуҳолиқ Ғиждувоний (1103–120), Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро каби улуғ зотлар таълимотларида ҳам ислом маънавияти, тафаккур тарзи ва фалсафаси ўз аксини топган ҳамда унинг шаклланиши учун асос бўлиб хизмат қилган.

Ислом фалсафасида инсоннинг маънавий камолоти ва тафаккур тарзининг мезони сифатида муҳим манба ҳисобланувчи ҳадисларда инсон руҳий-маънавий оламини бойтадиган ва мукамалликка етаклайдиган кўплаб инновацион ғоялар мужассамлашган. Ҳадислардаги ғоя ва нуқтаи назарлар йиллар давомида шакллантирилди. Пайғамбаримиз

¹ Qo‘shoqov Sh.S. Dialektika. Rivojlanish konsepsiyasi (The Dialectics. Development Concept) Samarkand, “SamDU” Publ. 2000. – P.18.

² Karimov I.A Adolatli jamiyat sari (Righteous Society) Tashkent, “Uzbekistan” Publ. 1998. – P 17.

³ Karimov I. A. O‘zbekiston buyuk kelajak sari (Uzbekistan is a great future) Tashkent, “Uzbekistan” Publ. 1999. – P 181.

⁴ Mirziyoev Sh. M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan quramiz (We will build free, democratic and prospering Uzbekistan with our courageous and magnanimous people) Tashkent, “Uzbekistan” Publ. 2017. – P. 169.



Муҳаммад (с.а.в.) замонидан сўнг ҳақиқий ва сохта ҳадислар кўпайиб кетди. Сабаби, ҳар бир қавм ва шахслар ҳадиснинг ўз манфаатларига хизмат қилувчи томонларини олдилар ва сохта ҳадислар тўқиб чиқардилар. Натижада саҳиҳ ва заиф ҳадисларни ажратиш муҳим юмуш бўлиб қолдики, бу борада Имом ал-Бухорий ва имом ат-Термизий каби муҳаддисларнинг зийрак ва сергакликлари, меҳнатлари ниҳоятда муҳим бўлди.

Ислом фалсафасида билим руҳий хотир-жамликнинг асосларидан бири саналган. Руҳий хотиржам инсон барқарордир. Тафаккури кенг ва иймони бутдир. Аксинча, инсоннинг билимсизлиги, нодонлиги шу орқали қилган гуноҳ ва хатолари уни руҳ нотинчлиги, тартибсизлигига олиб келади¹. Шу нуқтаи назардан, ҳар киши ўқиш, ўрганиш, илмга интилиш ҳисси билан яшаб, ўз дунёқараши ва илмий тафаккур тарзини бойитиши зарурдир. Аллоҳ бу борада шундай марҳамат қилади: “Ўқинг! Сизнинг Парвардигорингиз (инсониятга) қаламни (яъни – ёзишни, хатни) ўргатган ўта қарамли Зотдир. У Зот инсонга унинг билмаган нарсаларини ўргатди”². Шу маънода ҳадисда: “Илму ҳунарни Чинда бўлса ҳам, бориб ўрганишлар”³, – дея даъват этилади.

Ишончли ва тўғри ҳадисларни тўплаш. Мавжуд ҳадисларни объектив изоҳлашда “Барча муҳаддисларнинг пешвоси” улуғ ватандошимиз Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг мавқеи ва хизмати катта бўлди. У киши 600 минг ҳадисни жамлаб, улардан энг ишончли деб билганларини ўзининг “Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ” (“ишонарли тўплам”) номли асарига киритди. Бу фалсафий асарда келтирилган ҳадисларни

тадқиқ этар эканмиз, токи инсон ўз қалбини пок айлаб, эътиқод қилмас экан, у чин мусулмон эмаслиги айтилади: “Аллоҳни дил кўзи билан кўрмоқ, танимоқ керак (яъни иймон, калима келтириши билангина бўлмай-дир, балки Аллоҳга қалбан эътиқод қилмоқ лозим)”⁴. Бу қалбан эътиқод ва иймон келтириш эса инсоннинг ўзлигини билиши, яъни илм олишидан бошланади.

Ҳадис ислом фалсафасининг мантиқий давоми сифатида ўзининг моҳиятига кўра, инсонни ахлоқий етукликка, маънавий баркамолликка, руҳий ва жисмоний покликка чорловчи инсоний фазилатларни шакллантиради. Эътиборли томони шундаки, ҳадисларда ҳам инсоннинг билим олиши, ўзлигини англаши, етук ахлоқий фазилатлари билан мукамалликка етиши такрор айтилади. Ҳадисларда инсоннинг руҳий-маънавий барқарорлиги билим ва эътиқод билан белгиланади дейилади. Яъни, ҳар бир киши комиллик сари интилар экан, албатта, илм олиши ва дунёвий билимларни эртамикечми, олис ёки узоқда бўлсин, барибир ўзлаштириб, ўқиб ўрганиши айтилган⁵.

Имом Бухорийнинг диний-фалсафий қарашлари тор диний ақидаларга ўралашиб қолмади, аксинча, умуминсоний ахлоқ-меъёрлар ва билимларни қамраб олди. Шу нуқтаи назардан, унинг бу қарашлари ўлмас ва унутилмас асарлари эса ўн икки асрдан буён “миллионлаб инсонлар қалбини иймон нури билан мунаввар этиб, ҳақ ва диёнат йўлига чорлаб келмоқда”⁶.

Ҳадис ўзининг моҳиятига кўра, ижтимоий муносабатларда “ахлоқий кодекс” сифатида фойдаланилганининг ўзи ҳам, инсон-

¹ Rahmonov B.U. Inson ruhiy-ma'naviy o'z-o'zini tashkillashtirilishining falsafiy ildizlar (sinergetik tahlil) (Philosophical roots of the spiritual self-organization of man) Samarkand, “Imom Buxoriy” Publ. 2014. – P. 46.

² Qur'oni karim (The Holy Quran) Tashkent, “Cholpon” Publ. 96-surah, 3,4,5- verses.

³ Muhammad payg'ambar qissasi. Hadislar. (The story of Muhammad. Hadiths) Tashkent, “Kamalak” Publ. 1991. – P. 51-60.

⁴ Abu Abdulloh Muhammad Ibn Ismoil Al-Buxoriy. Hadis. Al-Jomi' as-sahih (Hadith. Al-Jomi' As-sahih) Tashkent, “Qomuslar bosh tahririyati” Publ. 1997. – P. 29.

⁵ Rahmonov B.U. Inson ruhiy-ma'naviy o'z-o'zini tashkillashtirilishining falsafiy ildizlar (sinergetik tahlil) (Philosophical roots of the spiritual self-organization of man) Samarkand, “Imom Buxoriy” Publ. 2014. – P. 47.

⁶ Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat - yengilmas kuch (High spirituality is an invincible force) Tashkent, “Manaviyat” Publ. 2008. – P. 38.



ни барқарорлик, ўз-ўзини, оламни англаши, тафаккур қилиши, шу орқали Аллоҳни англаши каби ғояларнинг мужассамлашганидир. Бинобарин, инсоннинг иймон-этикодини ифода этувчи хусусиятлар, чинакам инсоний фазилатлар, хислатлардан бошқа нарса эмас¹.

Имом Бухорий нафақат ҳадисшунос, балки буюк аллома сифатида ҳам инсон борлиги ва руҳий-маънавий оламга оид қимматли фикрларни билдирган. Ўзи ҳам ҳаёти жараёнида ўзини тарбиялаб, ўзини англаб ва ўзини ҳурмат қилиб яшаб, яхши инсон сифатида ном қолдиргани, унинг илмий тафаккур тарзи юксалган, комил шахс сифатида тадқиқ этиш имконини беради. Униг комиллиги, ориф ва оқиллиги ҳақида юзлаб ривоят, ҳикоятлар қатори аниқ илмий, тарихий маълумотлар ҳам мавжуд. Имом Бухорий узоқ хориж сафаридан Бухорога қайтиб, кўплаб шогирд ва уламоларга ҳадис илмидан сабоқ беради. Кўпчилик уни ўткир зехн соҳиби, қувваи ҳофизасининг кучлилиги, билим бобида муаллим эканлиги учун ҳурмат қилган. Бироқ Бухоро амири Ҳомид Ибн Аҳмад аз-Зухлий билан Бухорийнинг муносабатлари бузилиб қолади. Бунга сабаб амир олимдан саройга келиб “Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ”, “Ат-Тарих” китобларидан унинг фарзандларига сабоқ беришини талаб қилган. Лекин Бухорий “мен илмни хор қилиб, уни ҳокимлар эшиги олдига олиб бормайман, кимга илм керак бўлса, ўзи келсин. Илм бормайди, илмга келинади”, деган жавобни айтган эди². Зиддият сабаб у Бухорони тарк этиб, Самарқандга келади.

Аслида Имом Бухорийнинг амир билан ўртасида бўлиб ўтган воқеани сўзлашидан мақсади, ўзига ва фанга ҳурмат ҳамда илмни эъзозлашни кўрсатишдан иборат эди, холос.

¹ Abu Abdulloh Muhammad Ibn Ismoil Al-Buxoriy. Hadis. Al-Jomi' as-sahih (Hadith. Al-Jomi' As-sahih) Tashkent, “Qomuslar bosh tahririyati” Publ. 1997. – P. 13-24.

² Ma'naviyat asosiy tushunchalar izohli lug'ati (Glossary of basic concepts of Spirituality) Tashkent, “Gofur Gulom” Publ. 2010. – P. 95.

Қолаверса, “илм бормайди, илмга келинади” ибораси моҳиятида инсоннинг ўз-ўзини билиши ва оламни англашидан, илмий тафаккур тарзининг намоён бўлиши, ўз манфаат ва эҳтиёжларини муайян қилганидан бошланиши мужассамлашгандир.

Расуллуллоҳ (с.а.в.): “Ким яхшиликка далолат қилса (йўналтирса), унга амал қилувчининг савобидек ажр ёзилади” деб марҳамат қилганлар. Яхшиликка йўналтириш, эзгулик ва илм йўлида бирдамликка чақириш ва ҳар қандай жаҳолатга, жабр-зулмга қарши сўз айтиш нафақат бизнинг, балки ҳар бир мусулмон кишининг асосий вазифасидир. Албатта, бу ўринда яхшиликка буюриш ва ёмонликдан қайтариш ҳикмат ва яхши ғоялар билан етказилса, бунинг самараси кўпроқ бўлади³.

“Ал-Жомеъ Ас-саҳиҳ” асари илм китобининг 1-бобида илмнинг фазилати хусусида шундай дейилган: “Аллоҳ таоло ояти қаримасида: “Аллоҳ таоло сизларнинг орангиздаги иймон келтирганларни ва илмни юксалтирганларни бу дунёда ярлақаб, мартабасини улуғ қилғайдир, охиратда жаннатга кирмоқликни насиб этгусидир, Аллоҳ таоло қилаётган ишларингиздан хабардордир”, – дейилган. Яна бошқа оятида эса: “Ё раббий, илмимни зиёда қилғайсен, деб айт!” – дейилган⁴.

11-боб “Бир ишни қилишдан ҳам, сўзлашдан ҳам аввал илм даркорлиги тўғрисида”. Аллоҳ таоло ояти қаримасида: “Билгил, Аллоҳ яккаю ягонадир”, – деган сўзини ҳам “бил” деган сўз билан бошлаган. Олимлар – пайғамбарларнинг меросхўрлари, илмни пайғамбарлардан ўрганишади. “Кимки илм олган бўлса, пайғамбар алайҳиссаломдан тўлиқ мерос олибдир”, – деган ҳадисда ҳам илм олиш кераклиги уқтирилган. “Кимки илм истаб қадам қўйса, Аллоҳ таоло унга жаннат йўлини осон қилғайдир”, – дейилади бошқа бир ҳадисда.

³ Orif Hoji. Qirq hadis va bir rivoyat (Forty hadeeths and one narration) Tashkent, “Fan va texnologiya” Publ. 2008 – P. 3.

⁴ Abu Abdulloh Muhammad Ibn Ismoil Al-Buxoriy. Hadis. Al-Jomi' as-sahih (Hadith. Al-Jomi' As-sahih) Tashkent, “Qomuslar bosh tahririyati” Publ. 1997. –P. 28



Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Кимгаки Аллоҳ таоло яхшилик раво кўргайдир, уни дин илмидан баҳраманд қилғайдир. Илмга илм олмоқ йўли билан эришил-гайдир”, – деганлар.

16-боб “Илм ҳикматни орзу қилмоқ”. Ҳазрат Умар розияллоҳу анху бундай деганлар: “Бошлиқ бўлмасингиздан аввал илмни чуқур ўрганинг! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари ёшлари улғайганда ҳам илм ўрганганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Икки нарсадан ўзгасига ҳасад қилмоқ жоиз эрмас, бири – кишига Аллоҳ таоло ҳалол мол-дунё берса-ю, уни Ҳақ йўлида сарфлаётган бўлса, иккинчиси – кишига Аллоҳ таоло илму ҳикмат ато этса-ю, у шу туфайли олий мақомга эришиб, ҳукм сураётган, одамларга билганини ўргатаётган бўлса”, – деганлар¹.

Ҳар бир ҳадисда келган буйруқ ёки таъқиқнинг илмий асоси бўлади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг айтган сўзларидаги илмий, тиббий ҳикматлар замонлар ўтиб, илм-фан тараққий этгани сари кашф этиб борилаверади.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхундан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам такбир билан қироат орасида бироз сукут сақлаб турар эдилар. Бас, мен: “Ота-онам сизга фидо бўлсин, эй, Аллоҳнинг Расули, такбир билан қироатнинг орасида сукут сақлаганингизда нима дейсиз?” дедим. У зот: “Эй, бор Худоё, мени хатолардан худди оқ кийим кирдан покланганидек поклагин. Эй, бор Худоё, менинг хатоларимни сув, қор ва дўл билан ювгин” дедилар.

Аллоҳ таоло сувга моддаларни эритиш хусусиятини жо қилганки, у “умумий эритувчи” деб номланади. Ҳадисдаги дуода гуноҳ ва хатолар сув билан кеткизиладиган кирларга ўхшатиляпти. Хўш, сув билан поклаш жараёни қандай содир бўлади? Кийимга ранг ёки

ифлослик текканида либос билан кирлар орасида кучли тортишиш содир бўлади. Ушбу кирланган кийим сувга солинса, сувдаги эритиш хусусияти ва сатҳий таранглик сабабли сув либос иплари орасигача кириб боради. Сув либосни хўл қилади ва ундаги кирларни эритиб юборади. Кирларни эритиши ўша кирлар таркибидаги моддаларни ионларга ажратиши орқали рўй беради.

Борди-ю кийимга ёғли нарса, масалан, таомнинг ёғи теккан бўлса, буни энди сувнинг ўзи эритиб юбориши қийин. Чунки ёғдаги моддаларнинг либосга тортилиши кучли бўлиб, сувнинг атомлари бу ёпишишни енгиб ўтишга бироз заифлик қилади. Шунинг учун бу ўринда сув билан бирга совундан ҳам фойдаланилади. Совун ўзининг таркиби билан ёғ қатламни парчалайди, емиради. Сувнинг ёғ орасига кириб боришига ёрдам беради. Совун либос билан ёғ ўртасидаги кучли тортишувни заифлаштиради. Шу тарзда совун воситасида кийимни ёғдан тозалашга эришилади.

Ҳадисдаги дуода тозалашнинг яна бир йўли – қор билан тозалаш ҳам зикр қилинган. Қор билан тозалаш қандай бўлади? Барчамизга маълумки, ҳавонинг ҳарорати 0 даражадан пастга тушса, сув музлайди. Бундай ҳавода ёғадиган ёмғир қор бўлиб ёғади. Шундай кирлар борки, улар сув билан ҳам, совун билан ҳам кетмайди. Масалан, шам, мум, сақич каби нарсалар. Булар кийимга қаттиқ ёпишиб олади. Қорнинг бир бўлагини шу мум устига қўйилса, қордаги совуқлик мумдаги моддаларнинг ўзаро яқинлашиб, қисилишига, бу эса мум билан кийим ўртасидаги ёпишишнинг заифлашувига олиб келади. Охири мум кийимдан ажралади. Бу ишни ҳар ким уйида тажриба қилиб кўриши мумкин. Дўлга келсак, у ҳаво ҳарорати 0 даражадан анча паст бўлганда пайдо бўлади. Агар кийимга шам, мум, сақич кабилардан бошқа – кетиши янада қийинроқ кирлар ёпишса, бу кирларни дўл билан ювилса, кийимдаги кир янада кўпроқ тортишиб, қисилиб, либосдан ажралади. Демак, баъзи кирлар сув билан кетади. Сувнинг ўзи билан

¹ Abu Abdulloh Muhammad Ibn Ismoil Al-Buxoriy. Hadis. Al-Jomi' as-sahih (Hadith. Al-Jomi' As-sahih) Tashkent, “Qomuslar bosh tahririyati” Publ. 1997. – P. 34.



кетмагани сув ва совун билан, сув ва совун билан кетмагани қор билан, қор билан ҳам кетмаган кирлар дўл билан кетар экан.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: “Идишларнинг устини ёпинг. Мешларни боғланг. Эшикларни беркитинг. Чирокларни ўчиринг. Шунда шайтон мешларни еча олмас. Эшикларни оча олмас. Идишларнинг устини очолмас. Агар бирингиз ҳеч нарса топа олмаса, идишининг устига бир чўпни кўндаланг қўйиб бўлса ҳам, Аллоҳнинг исмини зикр қилиб қўйсин. Албатта, фосиқча уй аҳлининг устидан уйларига ўт қўйиб юборур”, дедилар”. (Тўртовлари ривоят қилишган).

Абу Довуднинг лафзида¹:

“*Эшигингни беркит ва Аллоҳнинг исмини зикр қил. Чирогингни ўчир ва Аллоҳнинг исмини зикр қил. Идишининг устини ёп ва Аллоҳнинг исмини зикр қил. Мешингни боғла ва Аллоҳнинг исмини зикр қил*”, дейилган. Пайғамбар соллalloҳу алайҳи ва саллам сиз билан бизларга бошқаларнинг кўзида арзимас бўлиб кўринса ҳам, аслида ўта муҳим бўлган ишлардан хабар бермоқдалар. Жумладан, “Чирогингни ўчир ва Аллоҳнинг исмини зикр қил”, демоқдалар.

Ушбу амри набавийга амал қилган ҳолда ҳар бир мусулмон кечқурун чирогини ўчириб ётмоғи лозим бўлади. Чирокни ўчирмай ётишда зарар борлиги сир эмас. Бу ишнинг зарарларидан бири ҳадиси шарифнинг ўзида айтиб ўтилмоқда: “Албатта, фосиқча уй аҳлининг устидан уйларига ўт қўйиб юборур”. Кечаси заруратсиз чирокни ўчирмай ётганда, бундан бошқа қўнғилсизликлар ҳам бўлиши мумкин.

Америка Қўшма Штатларидаги Пенсильвания университетининг тиббиёт факультетида Доктор Ричард Стоун раҳбарлигида олиб борилган илмий тажрибага кўра, узоқни кўра олмаслик хасталиги, асосан, чирокни ўчирмай ухлашдан бўлар экан.

Хулоса қилиб қуйидагиларни айтиш мумкин:

Биринчидан, маънавият ва фан тараққиётини илмий билиш ва илмий тафаккур тарзининг юксалиши, уларнинг қадрият даражасига кўтарилиши ўша давр диний мафқураси ва ҳукмдорларига боғлиқдир. Бунда ислом дини ва маърифатпарвар халифалар илм-фан тараққиётига муносиб ҳисса қўшганлар.

Иккинчидан, Мусулмон Шарқида буюк алломаларимиз ўз ижодларида илмийлик ва рационаллик мезонларига асосланган илмий тафаккур тарзи намуналарини ишлаб чиқишди. Бу ҳадислардаги илм-маърифатга даъватнинг амалий натижаси эди. Натижада, жаҳон тарихида Ислום цивилизацияси деб ном олган тарихий даврнинг сиймоларига айланди.

Учинчидан, Мусулмон Шарқи ислом маданиятидаги, яъни ҳадислардаги рационалистик илмий тафаккур тарзи Европа Ренессанси илмий инқилобига концептуал-назарий замин бўлиб хизмат қилди. Истиклол йилларида ўтмиш аждодларимиз улкан моддий ва маънавий меросига аксеологик ёндашиш, қадриятларини чуқур ўрганиш ва тиклаш халқимизда миллий ғурур ва ифтихорни кучайтирадиган зарурий жихат бўлиб хизмат қилмоқда.

Тўртинчидан, комил инсонни тарбиялашда, диний ақидапарастлик, жоҳиллик ва оммавий маданиятга қарши курашда муқаддас ислом динимиз ҳамда ҳадислардаги илмга чорловчи ғоялар муҳим маънавий қуроли бўлиб хизмат қилади.



¹ <https://islom.uz/maqola/8173> (Shayx Muhammad Sodik Muhammad Yusuf/ Iymon kitobi)